

**ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

Xujamberdiyev T.

Ipak Yo'li Innovatsiyalar

Universiteti katta o'qituvchisi

Yusupova N. Ipak Yo'li Innovatsiyalar

Universiteti o'qituvchisi

Email.Xujamberdiyev Tulkin@mail.com.

Аннотация: Ушбу мақолада миллий иқтисодиётимизда инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбалари ва усулларини ривожлантиришнинг йўлларини ўзига хос хусусиятлари бўйича ўрганишлар бўйича муаммолар ҳамда муҳокама ва хулосалар ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Калит сўзлар: инвестиция, инвестор, инвестиция фаолияти, молиялаштириш, инвестиция лойиҳалари, молиялаштириш манбалари, фонд бозорлари, реал инвестициялар, молиявий инвестициялар.

Аннотация: В данной статье предусматривается разработки, дискуссии и выводы на основе исследования специфики теоретических основ развития источников и методов финансирования инвестиционных проектов в национальной экономике.

Ключевые слова: инвестиция, инвестор, инвестиционная деятельность, финансирование, инвестиционные проекты, источники финансирования, фондовые рынки, реальные инвестиции, финансовые инвестиции.

Abstract: This article provides for the development, discussion and conclusions based on the study of the specifics of the theoretical foundations of the development of sources and methods of financing investment projects in national economy.

Key words: investment, investor, investment activity, financing, investment projects, sources of financing, stock markets, real investments, financial investments.

Кириш

Инвестиция фаолиятини молиялаштириш деганда, ажратилган маблағларни маълум бир инвестиция лойиҳасининг эҳтиёжлари учун фойдаланишнинг аниқ мақсадли моҳияти тушунилади. Фаолиятини молиялаштириш асосан молиявий активларга эмас, балки реал активларга инвестицияларни жалб қилувчи инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун ишлатилади.

Хусусан, янги турдаги маҳсулотлар ва янги технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга йўналтирилган инновацион фаолиятини молиялаштиришнинг энг муҳим усули бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатда йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқариш объектларини барпо этиш мақсадида иқтисодиётни жадал ривожлантириш, чет эл инвестицияларини фаол жалб қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Амалдаги ресурсларни, шунингдек, инвестициялар, энг аввало, хорижий инвестицияларни жалб этишнинг реал имкониятларини инобатга олган ҳолда иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларни узоқ муддатли ривожлантириш концепцияси мавжуд эмас. Бунинг оқибатида иқтисодий жиҳатдан истиқболли бўлмаган лойиҳаларни ташаббус қилиш, молиявий маблағларни самарасиз сарфлаш ҳолатлари мавжуд бўлиб, бу охир-оқибатда, умуман, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини пасайтиришга олиб келади.

Мазкур ҳолатлар инвестиция дастурларини шакллантириш тартиби, уни молиялаштириш механизмларини тубдан қайта кўриб чиқишни, амалга оширишга таклиф этилган лойиҳаларни танлаб олишнинг шаффофлиги ва самарадорлигини оширишни талаб қилади. Шу боисдан ҳам инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбалари ва усулларини ривожлантириш ҳамда зарур шароитларни яратиб бериш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш деганда, инвестиция лойиҳасини ишлаб чиқиш, уни амалиётга мақсадли татбиқ этиш, шунингдек, мониторингини олиб бориш харажатларини қоплаш учун оптимал инвестиция ресурсларини шакллантириш ва уларнинг ҳисоб-китобини чиқариш тушунилади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Иқтисодиётда инвестициялардан самарали фойдаланиш уларни молиялаштириш билан бевосита боғлиқдир. Инвестицияларни молиялаштириш эса, табиийки, инвестиция фаолияти асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёв “Ўзбекистоннинг давлат ташқи қарзи Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси мезонларига кўра хавфсиз ҳисобланади. Айни вақтда ташқи қарз ҳисобидан ҳудудларда амалга ошириладиган лойиҳалар бундан буён маҳаллий кенгашлар ва жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилади. Уларнинг натижалари тўғрисида жамоатчиликка ҳисобот бериш тизими йўлга қўйилади. Шунингдек, давлат номидан ташқи қарз олиш камайтирилиб, инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларига кўпроқ хусусий капитал жалб этилади. Масалан, кейинги йилда давлат-хусусий шериклик асосида 40 дан ортиқ йирик ва ўрта лойиҳаларни амалга ошириш бошланади. Марказий банк молия бозорида рақобатни ошириш мақсадида 1 февралга қадар банк бўлмаган кредит ташкилотлари тўғрисида қонун лойиҳасини киритсин.

Иқтисодчи олим Нешитойнинг фикрича, “Инвестицион фаолият – бу даромад олиш ва фойдали самарага эришиш мақсадида маблағларни жойлаштириш (инвестициялаш) ва амалий ҳаракатларни амалга ошириш йиғиндисидир” деб таъриф берган.

Л.Л.Иғонина шунингдек, инвестиция фаолиятини тор мазмунда ҳам тушуниш мумкинлигини айтиб ўтади. Унга кўра: “инвестиция фаолияти ёки бошқача қилиб айтганда хусусий инвестиция фаолияти (инвестициялаш) ўзини инвестиция ресурсларининг қўйилмаларга айланиши жараёни сифатида намоён этади” деб тушунтиради.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Д.Ғ.Ғозибеков “инвестицияларнинг мазмуни аниқ ва ишончли манбалардан маблағлар олиш, уларни асосли ҳолда сафарбар этиш, рикслар даражасини ҳисобга олган ҳолда капитал қийматини сақлаш ва кўзланган самарани олишдан иборат бўлади” каби таъриф берган.

Юқоридаги иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида республикамызда инвестиция фаолиятини ривожлантиришнинг илмий-назарий ва методологик асосларини такомиллаштиришнинг баъзи жиҳатлари ёритилган. Буларнинг барчаси миллий иқтисодиётнинг инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбалари ва усулларига таъсир этувчи омиллар асосида ривожланиш йўллари тадқиқ этиш ва уларни молиявий таъминлашнинг илмий-назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш бўйича чуқур тадқиқотларни амалга оширишни, буларни мамлакатимиз амалиётига тадбиқ қилиб инвестиция фаолиятининг молиялаштириш манбалари ва усулларини шакллантиришни ривожлантириш ва такомиллаштириш лозимлигини талаб қилади.

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақолада Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар иқтисодчи олимларининг инвестициялар ва инвестицион фаолиятини молиялаштиришнинг манбалари ва усулларининг назарий жиҳатларига бағишланган илмий асарлари ўрганилган. Тадқиқот методологияси сифатида адабиётларнинг қиёсий таҳлили ва фаразани асослаш усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришнинг муҳим меъёрий-ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Мазкур Тараққиёт стратегиясида мамлакатда инвестицион фаолликни ошириш бўйича бир қатор долзарб вазифалар, жумладан, **мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард доллар хорижий**

инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш; *иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 миллион АҚШ долларидан 7 миллиард АҚШ долларига етказиш каби долзарб вазифалар белгиланди¹. Бу эса, ўз навбатида, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар таркиби, (жамига нисбатан фоизда)².

Йиллар	Корхоналар ва аҳолининг ўз воситалари	Қабул қилинган маблағлар	улардан:		
			давлат бюджети	Банкларнинг кредитлар ва бошқа қарз маблағлар	чет эл инвестициялари ва кредитлар
2016	54,4	45,6	4,3	10,8	20,7
2017	47,3	52,7	4,8	12,6	23,8
2018	42,0	58,0	4,5	17,8	24,3
2019	29,3	70,7	9,0	13,8	43,6
2020	34,6	65,4	6,5	14,1	42,9
2021	38,0	62,0	9,3	8,0	42,3

1-жадвал маълумотларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки инвестицияларни молиялаштиришда мавжуд маблағлар ва жалб қилинган маблағлар ўртасидаги нисбат ўзгарувчан бўлган. 2016-2021 йилларда корхоналарнинг ўз маблағларини инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг умумий ҳажмидаги салмоғи пасайиб борган. Бу эса, тижорат банкларининг кредитларини ва хорижий инвестициялар, халқаро кредитларнинг инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг умумий ҳажмидаги салмоғини ошириб борганлиги билан изоҳланади.

2016-2021 йилларда жалб қилинган маблағлар улуши кескин ўсиш тенденциясига эга бўлди. 2016 йилдаги 45.6%дан 2019 йилда 70.7% улушгача ошган жалб қилинган маблағлар улуши 2020 йилда короновирус инқирози сабабли 65.4%гача тушди, лекин ушбу кўрсаткич аҳамиятли даражада сақланиб

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси тўғрисида//www.lex.uz.

²Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди. <https://api.stat.uz/api/v1.0/data/moliyalashtirish-manbalari-boyicha-asosiy-kapit?lang=uz&format=xlsx>

қолди. Давлат бюджети маблағлари улуши ҳам ушбу даврда бироз ошди, лекин салмоқли бўлмаган улуш сақланиб қолди ва ўртача 5.8%лик даражадаги улушга эга бўлди. Банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари улуши 2018 йилгача ўсишда давом этди ва ушбу кўрсаткич 17.8%гача етди, сўнги икки йилда эса ушбу улуш бироз камайди.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш самарадорлигини тавсифловчи муҳим кўрсаткич бўлиб, лойиҳалардан олинadиган соф фойда миқдорининг ўзгариши ҳисобланади.

2-жадвал

Навоийазот ва Максам-Чирчиқ корхоналарида соф фойдани миқдори ва динамикаси, млрд. сўм³

Корхоналар	2018й.	2019й.	2020й.	2021й.	2022й.	2022 йилда 2018 йилга нисбатан ўзгариши, марта
Навоийазот	4,5	39,5	35,2	779,8	1355,6	301,2
Максам-Чирчиқ	123,3	140,5	253,6	362,5	455,9	3,7

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадикки, Навоийазот корхонасида соф фойданинг миқдори 2019-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. 2018 йилда соф фойда миқдори кичик бўлганлиги учун 2022 йилда 2018 йилга нисбатан соф фойданинг ўсиш суръати жуда юқори бўлган.

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадикки, Максам-Чирчиқ корхонасида соф фойданинг миқдори 2018-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, соф фойданинг миқдори 2022 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада ўсган.

Фикримизча, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш учун, биринчидан, молиялаштиришнинг инновацион шакли бўлган венчурли молиялаштиришни амалиётга жорий этиш лозим; иккинчидан, лойиҳа ташаббускори бўлган корхоналарнинг ликвидлиги ва тўловга қобиллигини таъминлаш ҳамда рентабеллик даражасини ошириш зарур; учинчидан, харажатларни бошқариш амалиётини такомиллаштириш керак.

Венчур капитали либерал инновацион механизм асосини ташкил этади. Ўзининг иқтисодий хусусиятига кўра, венчур молиялаш таъсисчиликнинг замонавий тури, яъни дастлабки қўйилмаларни (устав капиталига таъсисчилик

³ Жадвал муаллиф томонидан “Ўзкимёсаноат” АЖ маълумотлари асосида тузилган.

бадали) тез кўпайтириш мақсадида истиқболли фирмалар, компанияларни ташкил қилиш ва ривожлантириш ҳамда бозор қиймати бўйича уни кейинчалик рўёбга чиқариш жараёнидир.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, миллий иқтисодиётимиз учун инвестицияларнинг аҳамияти бир қатор омилларга боғлиқ, улар орасида қуйидагилар алоҳида ажралиб туради: йирик инвестиция лойиҳаларини қўшимча молиялаштириш имконияти; энг янги технологиялар ва ускуналарга, инновацион лойиҳаларга чет эл сармоясини жалб қилиш орқали ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг илғор усулларидан фойдаланиш. Шу билан бирга, мамлакатимизда кўпинча корхоналарни техник ва молиявий жиҳатдан кучли бўлган рақобатчилардан ҳимоя қилиш истаги билан таъқиб қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, халқ сўзи 2020 йил 29 декабрь.
2. Нешиной С.А. Инвестиции. Учебник. –М.: Дашков и К, 2007. – С. 15.
3. Игонина Л.Л. Инвестиции. Уч.пос.– М.: Экономист, 2005. – С. 25.
4. Маматов Б.С., Хўжамқулов Д.Ю., Нурбеков О.Ш. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2014.- 84-б.
5. Голов Р.С., Балдин К.В., Передеряев И.И. Инвестиционное проектирование: Учебник – М.: Дашков и К, 2010. - С. - 143.
6. Проектное финансирование: синергетический аспект: Учебное пособие / Г.А.Поташева. - М.: НИТс ИНФРА-М, 2015. - С.- 171 с.
7. Риск-менеджмент инвестиционного проекта. / Под ред. Грачевой М. В. – М.: Юнити, 2009. - С. - 44.

Интернет сайтлари:

1. www.mf.uz - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти; www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти; www.gov.uz - Интерактив давлат хизматлари ягона портали;
2. www.kun.uz – интернет сайти